

Абдилбек КАРИМБЕКОВ
Саҳодир ЮСУПОВ



Шароф
Рашидов

ХАЛҚ ҚАЛБИДА





9173211


Қобилбек КАРИМБЕКОВ
Баҳодир ЮСУПОВ

ШАРОФ РАШИДОВ
ХАЛҚ ҚАЛБИДА

*ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ
АЙРИМ ТОМОНЛАРИ ХУСУСИДА*



Тошкент
“IJOD-PRESS”
2017



УЎК: 94(575.1)(092)

КБК: 63.3г(5Ў)

Ю 91

Каримбеков Қобилбек, Юсупов Баҳодир.

Шароф Рашидов халқ қалбида: /Қ. Каримбеков, Б. Юсупов. — Т.: IJOD-PRESS, 2017.— 40 б.

УЎК: 94(575.1)(092)

КБК: 63.3г(5Ў)

Халқимизнинг фидойи фарзанди, ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов мураккаб бир даврда — Шўро замонида яшаб, имкон қадар халқимиз хизматида бўлди. Бугунги кунда яқин ўтмишдан мерос қолган кўплаб замонавий обидалар, саноат корхоналари, қад кўтарган бинолар, шубҳасиз, Ўзбекистон халқининг миллий бойлиги, пешона тери эвазига бунёд бўлган ва кўпчилиги Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир.

Такризчи:

Ғофур ЖАМОЛОВ — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Дунё бўйлаб” телеканали “Ахборот таҳлил дастурлари муҳарририяти” Бош муҳаррири, “Дўстлик” ордени соҳиби.

Нашр ҳомийси:

Тошкент шаҳар бўйича ҳудудий газ таъминоти филиали

Нашрга тайёрловчи:

Набижон ҲОШИМОВ - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб

ISBN: 978-9943-994-82-9

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

СЎЗ БОШИ

Қобилбек Каримбеков ва Баҳодир Юсупов томонидан тайёрланган “Халқ қалбиди” номли мазкур рисола тўла маънодаги илмий асардир. Мавзу қаҳрамони ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов бўлиб, бу улуғ инсоннинг қарийб чорак асрлик сиёсий ва айни пайтда адиблик фаолиятининг айрим қирралари илмий-фалсафий ҳамда маънавий жиҳатдан ёритилган.

Рисолада тарихий фактларга алоҳида ўрин ажратилган. Муаллифлар аниқ манбалар асосида Шароф Рашидовнинг ўта мураккаб бўлган замонда, яъни 1959 йилнинг мартидан токи 1983 йилнинг октябригача Н.С.Хрушчев, Л.И.Брежнев ва Ю.В.Андропов каби мустабид тузум раҳномалари билан ўз халқининг насибасини олиш учун жуда усталик билан курашганлигини очиб беришган.


Илмий асар оддий ва равлон тилда, энг муҳими, ишонарли далиллар билан ёзилган. Унда ортиқча бадийи безаклар ёхуд тўқима фикрларни учратмайсиз. Ҳар бир фикр ёки мисол Шароф Рашидовнинг ўз халқи манфаати учун курашганлигини тасдиқлайди. Рисолада баён этилган воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан ўз номига жуда муносибдир.

Қ.Каримбеков ва Б.Юсупов ўз рисоласида бош

қахрамон Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятини мустақиллик ғоялари билан уйғун равишда боғлаб, ўзларининг қимматли тавсия ва хулосаларини беришган. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 2017 йил 27 мартда қабул қилинган Қарорнинг аҳамияти, унинг мазмун ва моҳияти чуқур таҳлил этилган.

Ушбу рисола халқимиз, аввало ёшларимиз учун қимматли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Гофур Жамолов





Шу йил 6 ноябрда Шароф Рашидов таваллудига 100 йил тўлади.

Биз фикр юритмоқчи бўлган киши Ўзбекистон, шу жумладан, собиқ Иттифоқ ҳаётида маълум роль ўйнаган, сиёсий фаолияти юксаклик ва фожиа, оқ ва қора доғлардан иборат, айти пайтда халқ орасида катта ҳурмат билан тилга олинаётган раҳматли бир инсон ҳақидадир. У тириклик чоғида оддий халқнинг ҳурматиغا, эъзозлашига, фахрланишига сазовор бўлди. Шу боисдан уни баъзида «Шароф ота» ҳам дейишар эди. Ҳа, буюк инсон Шароф Ра-

шидов Ўзбекистонга қарийб 25 йил раҳбарлик қилди. Афсус, Ш. Рашидов республикамизни узоқ бошқарса-да, унинг ўзи узоқ умр кечира олмади. 66 ёш! Бу ҳозирги давр учун ҳеч қувонадиган умр эмас. Лекин ўлим ҳақ. Шундай бир пайтда унинг руҳини шод этмоқ, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг, ватандошимизнинг вазифаси деб биламиз. Зеро, бу йил 6 ноябрда Шароф Рашидов таваллудига 100 йил тўлади.

Бу борада муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги **«Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»**ги Қарори жуда катта сиёсий аҳамиятга эга. Қарорда таъкидланганидек Ш.Рашидов Республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Өлий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ Жиззах вилояти Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилиб, Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси барпо этилади ҳамда ҳайкали ўрнатилади.



Албатта, Ўзбекистондек катта республикага, кўп миллатли ўлкага чорак аср етакчилик қилиш — бу сўздагина осон, лекин амалда-чи?

Ахир, Шароф Рашидов Ўзбекистонга раҳбар бўлган 1959 йилнинг мартидан бошлаб Н.Хрущевдек беқарор давлат бошлиғи билан ишлади. 1964 йилнинг октябридан эса «мўтадил сталинчи» Л.Брежнев билан 18 йил, ўта қаттиққўл ва Ўзбекистонга шафқатсизларча муносабат билдира бошлаган Ю.Андропов билан эса қарийб бир йил фаолият кўрсатди.

Бугунги кунда Ш.Рашидов ҳақида кўп ёзилмоқда. Мақолалар муаллифларининг аксарияти собиқ раҳбар билан бирга ишлаганлар, у

билан учрашганлар ёки Шароф Рашидовнинг адабиёт соҳасидаги ишларини ёритган олимларнинг хотираларидир. Бу жуда ҳам яхши. Чунки 1984 йилнинг июнидаги Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Кўмитасининг XVI пленумидан сўнг марҳум раҳбарга тош отиш бошланди. Бу, айниқса, 1986 йилнинг январь-февраль ойларида сўнг роса авжига чиқди. Шароф Рашидовнинг «сеҳрли таъсири остида» қолганлар унинг қабрига, руҳига «найза тиқиб», машқ қилишди.

70-йилларнинг бошларида Ш.Рашидовнинг муруввати ва шахсан аралашуви оқибатида КПСС сафида қолган, тез орада хорижга — Цейлонга (ҳозирги Шри-Ланка) элчи қилиб жўнатилган Рафиқ Нишонов раҳматли бўлиб кетган инсонни қоралашда энг олдинги ўринга чиқиб олди.

1985 йил Ўзбекистонга қайтиб келгач, бир оз вақт ташқи ишлар вазири лавозимида ишлади.

1986 йил декабрида Р. Нишонов энг юқори лавозимлардан бири — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумнинг раиси вазифасини эгаллади. Ана шу кунлардан бошлаб Шароф отага қарши «жазава» мисли кўрилмаган даражага етди. Рафиқ Нишонов биринчи бўлиб «рашидовчилик» иборасини қўллади. Бу собиқ марказдагиларга маъқул бўлиб, улар ҳам Ш. Рашидовга қарши бошланган ҳужумларда иштирок этдилар. Марказий матбуотда «рашидовчилик» иборасининг қўлланилиши одатий ҳол бўлиб қолди.



Шу ерда қизик бир воқеани эслатиб ўтмоқчи эдик. 1986 йил декабрида Қозоғистон раҳбари Д. Қўнаев ишдан озод қилинган, унинг ўрнига Ульяновск вилоятининг раҳбари Г. Колбинни тайинлашди. Шундан сўнг юз берган қонли воқеаларни батафсил айтишнинг зарурати йўқ. Лекин марказий матбуот «қўнаевчилик» иборасини ишлата бошлаганда қозоқ халқи ўз норозилигини билдирди. Бу ерда гап фақат Қўнаевни ҳимоя қилиш эмас, балки қозоқ халқининг ғурурини, манфаатини, обрўсини, қадр-қимматини сақлаш эди. Бизда эса «рашидовчилик» ибораси бирин-

кетин ишлатилаверди, қораланаверди. Хўш, натижаси-чи? Натижада ўзбекларга қарши ўғри», «муттаҳам», «лаганбардор», «порахўр» каби тамғалар ёпиштирилди. Сиёсий мақсад кўзланган «ўзбек иши» ҳамда «пахта иши» тўқиб чиқарилди. 1988 июнь-июлида бўлиб ўтган КПСС XIX конференциясида Р. Нишонов Ўзбекистон Коммунистларининг раҳбари сифатида сўзга чиққан эди. У ўз нутқининг бошланиш қисмидаёқ Ш. Рашидовга лаънатлар айтиб, лой чаплади.

Р. Нишонов Ш. Рашидов бошқарган йилларни «тантанавор орқага юриш даври» деб, бу даврни алдамчилик, кўзбўямачилик, мукофот олишга ўч бўлиш замони деди. Р. Нишонов Рашидовга 10 та Ленин ордени, иккита Олтин Юлдуз ва Ленин мукофоти берилганлигини айтиб, буларни Брежнев ва унинг атрофидагилар берганлигини, аслида уларнинг ўзи ҳам мукофотга ўч бўлганликларини қоралади. Бундай қараганда келтирилган мисолларнинг ҳаммаси тўғри. Аммо бошқа республикалар, вилоятлар ёки йирик шаҳарлар раҳбарлари Қўнаев ёки Усубалиевни, ёхуд Гришинни ёмонлаганлари йўқ. Ваҳоланки, улар олган мукофотлар Рашидовникидан кам эмасди.

Хуллас, 1984 йилдан токи 1990 йилгача бўлган давр мобайнида республикамиздаги айрим кимсалар баъзида билиб, баъзида қасддан, баъзида эса масаланинг чуқур моҳиятига етмай Шароф Рашидовга тош отишди. Аслида бу ҳужумлар меҳнаткаш ўзбек

халқига қарши, унинг шон-шуҳрати, мавқеи ва обрў-эътиборига қарши амалга оширилди. Оқибатда бошқа халқлар бизни бармоқ билан кўрсатадиган бўлиб қолди. 1917 йилдан кейин Туркистон халқларига қанчалик ишонилмаган бўлса, бу даврга келиб ҳам ўзбекларга нисбатан ишончсизлик туйғулари шаклланди. Биз ҳозир ҳам ўша ишончсизлик асоратининг оғир самарасини бошдан кечирмоқдамиз.



1990 йил «Известия» рўзномаси «Союз» ҳафталик иловасининг 1-сонида Р. Нишонов билан суҳбат эълон қилинди. Ўша кунлар Р. Нишонов собиқ иттифоқ Олий Кенгаши Миллатлар Советининг раиси эди. Бу суҳбат «Биз ҳаммамиз бир кемада сузмоқдамиз» деб номланган эди. Суҳбатнинг номи юқори мартабали

рахбарнинг жавоби мазмунидан олинганлиги аниқ. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1991 йилнинг декабридан бери собиқ СССРдаги ҳамма республикалар, барча халқлар бир кемада сузаётгани йўқ. Суҳбатда Р. Нишонов Рашидов билан юзага келган ихтилофларини кенг ёритган. «Шу билан бирга ўртамизда ғоявий кураш ҳам бор эди, — деб уқтиради Нишонов, — Рашидовнинг миллатчилик туйғусидан келиб чиқиб, Темур каби қонхўр босқинчиларни улуғлаштиргани, айниқса, менга ёқмас эди. Эсимда бор, бу масалада Рашидов билан қаттиқ тортишиб қолиб, ўзимнинг позициямни Марказкомнинг бюросида ҳимоя қилишга ҳаракат қилдим. Рашидовнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракати ҳақида КПСС Марказий Комитетини хабардор қилишни лозим топдим». Нишоновнинг ана шу сўzlари ҳозир нақадар аҳамиятсиз эканлиги, бу гаплар фақат ўткинчи бир ҳолатлиги ҳаммага маълум. Чунки, Рашидов миллатчи эмас эди, у ўз халқи — ўзбекларни улуғлашга интилди, холос. Бу интилиш орқали Темурдек соҳибқиронга муносабатни ижобий томонга ўзгартирди, миллатпарварлик қилди. Хўш, бунинг нимаси ёмон эди? Қолаверса, ҳаёт ким ҳақ, ким ноҳақ, эканлигини аниқ кўрсатмоқда. Бунинг ёрқин далили — шу кунларда Амир Темур шахсига бўлган чексиз муҳаббатимизда ҳам ифодаланмоқда.

Биз фикр юритаётган инсон — Шароф Рашидовга сунъий равишда айблар қўйилди, ҳамма муаммоларимизнинг, ташвишларимизнинг сабабчиси қилиб ўша шахс кўрсатилди.



Ваҳоланки, Ўзбекистонга Рашидовнинг қилган меҳнатининг, маърифатининг туби ниҳоятда кенг. Бунинкор этиш гумроҳлик ва инсофсизликдан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, Ш. Рашидовнинг имони, эътиқоди бор эди. У ўзбек халқи эзилаётганлигини яхши биларди. Шунинг учун қўлидан келган барча ёрдамни ўз халқига инъом қилишга интиларди. Шўро империяси исканжасидан чиқишга имкон йўқлигини яхши англаган Рашидов Брежневнинг пинжига кирса ҳам, марказдан жуда усталик билан фойдаланди. Айниқса, республика иқтисодиёти учун жуда катта миқдордаги маблағларни ундиришга муваффақ бўлди. Ҳатто, бошқалар уддалай олмаган ишларни Рашидов амалга оширган пайтлар ҳам бўлган.

Баъзида Ш. Рашидовнинг сиёсий раҳбарлик фаолиятини жуда бузиб кўрсатиш ҳолатлари ҳам бўлмоқда. Масалан, гуё Рашидов марказдан келган юқори мартабали раҳбарларга иззат-икром кўрсатганлиги, Брежневнинг куёви Ю. Чурбановга ва бошқаларга пора беришни уюштирганлиги ҳақида уйдирмалар ёзилди. Бу бемаъни гапларда заррача ҳам ҳақиқат йўқ. Чунки шунга ўхшаш фикрларни илгари сураётганлар ўта пасткаш кишилардир. Рашидов эса бундай пасткашлар келтираётган жамиятга зид қусурлардан ўта жирканган. У олижаноб инсон эди. Ўша даврда қандай салбий ҳолатлар содир этилган бўлса, буларнинг ҳаммаси Рашидовнинг номини сотиб ёки унинг номи орқали амалга оширилган эди. Ҳозир ўтмишни қоралаш одатий ҳол бўлиб қолди. Аслида ўтган замонни қоралаш ҳам осон. Лекин ўша даврда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун иттифоқ миқёсида Ш. Рашидовнинг обрўси, номи анча салмоқли бўлганлигини тан олиш керак. Шароф Рашидов коммунистик мафкура ҳукмрон даврда унинг чизган чизигидан Брежнев, Сулов, Кириленко ва бошқаларнинг муҳитидан ёлғиз ўзи чиқиб кетиши амри маҳол эди. Бундай шароитда у марказдагилар нафас олаётган ҳаводан, гарчи ифлос ҳаво бўлса-да, бирга нафас олишга мажбур эди. Буни чуқур англаш керак. Агар Ш. Рашидов ўша манфур ғоядан бир оз қайтадиган бўлса, унинг ўзига, халқига катта маломатлар ёғиларди. Унинг марказга қарши чиқиши ўлим билан баробар

бўлиб, бошига Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевнинг кунги тушиши мумкин эди. Шу боисдан Ш. Рашидов жуда эҳтиёткорлик ва бизнингча, айрим ҳолатларда бир оз айёрлик билан иш кўрди. Биз бу ерда айёрлик иборасини Шароф Рашидовга нисбатан ижобий қўлламоқдамиз. Бунинг сабаби шундаки, оғзини аждаҳодек очиб турган Москвадан бирон-бир нарсани олиш ёки ундириш ва кўпинча Ўзбекистон маҳсулотини бу ерда сақлаб қолиш учун усталик, айёрлик, сиёсий тактика ва дипломатия ҳам керак эди. Бу хислатлар узоқни кўра билувчи Шароф Рашидовда мужассам эди.

Лекин мавжуд сиёсатга тобелик оқибатида айрим хатоларга ҳам йўл қўйилди. 1966 йил 26 апрель тонгида юз берган Тошкент зилзиласидан сўнг Ш. Рашидов «хуш келибсиз» йўлини



кенг қўллади. Шаҳар дарвозалари ланг очилиб, минг-минг қурувчилар пойтахтимизга келди. Улар асосан рус тилида сўзлашувчи халқлардан иборат эди. Тўғри, Тошкентни қайтадан тиклашда грузин, озарбайжон, армани, қозоқ, тожик, туркман, молдованлар ҳам қатнашган. Аммо барибир ёрдамга келганларнинг кўпчилигини руслар ташкил қилган эди.

Ушанда Тошкентнинг туб аҳолисидан катта қисми худди буйруқ олган қўшиндек шаҳарни тарк этиб, Тошкент атрофидаги қишлоқларда янги маҳаллалар бунёд этдилар. «Бешқайрағоч», «Гулистон», «Октябрь» каби даҳалар ўша пайтда барпо бўлди. Ёрдамга келган қурувчиларнинг маълум қисми (асосан руслар) ўзлари қурган бинолардан жой олиб, Тошкентда қолишга аҳд қилдилар. Чунки, бу ерда яшаш осон, халқи ювош, одамлари ўта меҳнаткаш эди. Шундай жаннатмаконни ким ҳам ташлаб кетарди? Албатта, ҳеч ким. Натижаси нима бўлди? Натижаси «салмоқли» ва «ёмон» эмас. Ўзбекистон деб аталмиш ўзбеклар диёрининг пойтахти Тошкентда ўзбеклар 40 фоизга етармас, руслар эса 40 фоиздан ортиқ. Бизнингча, бу ҳам «хуш келибсиз» сиёсатининг оқибатидир.

Қандай муносабатда бўлишимиздан қатъи назар, айнан Шароф Рашидов даврида Тошкент қайтадан бунёд бўлганлигини ва Шарқдаги энг йирик шаҳарлардан бирига айланганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Биз юқорида турғунлик даври фақат ёмон ҳолатлару, воқеалардан иборат эмаслиги



ҳақида гапирдик. 70—80 йилларда жуда ажойиб кунлар бўлганлигини инкор қилмаслик керак. 1977 йили бу ерда илк бор метрополитен ишга тушди. «Ўзбекистон», «Чорсу», «Саёҳат» каби меҳмонхоналар, «Халқлар Дўстлиги» саройи (Ҳозирги «Истиқлол») ва бошқа улкан кошоналар ҳам айнан шу даврда бунёд бўлди. Тошкент Давлат дорилфунунининг янги бинолари, Тошкент автомобиль йўллари қурилиши муҳандисларини тайёрлайдиган олийгоҳнинг иккита кўп қаватли шинам ва ёруғ биноси ҳам ўша даврда қурилганлиги ва бунда Ш.Рашидовнинг ҳиссаси катта эканлигини айтиш керак.

80-йилларнинг биринчи ярми бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистон учун ҳам оғир кечди. 1984 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг XVI пленуми республика ҳаётида бироз бўлса-да жонланишга, фаолликнинг кучайишига олиб келди. Аммо, бу пленумнинг ижобий томонлари ҳақида қанчалик гапирмайлик, барибир унга бутунги кун нуқтаи назаридан баҳо беришга мажбурмиз. Чунки, айнан XVI пленумдан кейин Ўзбекистонимиз осмонда қора булутлар пайдо бўлди.

Ҳозир «десантчилар» деб аталаётган марказдан келган шовинистик кайфиятдаги раҳбарлар республиканинг маънавий ҳаётига қаттиқ зарба бердилар. Худди ўшалар Ўзбекистонга келгач, халқимизга қарши «ўзбек иши» бошлаб юборилди. Собиқ марказ бизга қарши аёвсиз тазйиқ кўрсатди. Айниқса, Могильниченко, Сатин, Бутурлин, Дидоренко, Гдлян ва Ивановларнинг «ўзбек иши» соҳасидаги уйдирма-ю қабиҳ ишлари ва миллатимизни камситувчи ҳаракатлари оғир оқибатларга олиб келди. «Пахта иши» ва «ўзбек иши» каби таҳқирловчи сиёсатдан асосий мақсад Ўзбекистонимиз бошига 30-50-йиллардаги репрессияларни яна келтириш бўлган эди. Тўғри, олий ҳақиқат олдида шуни очиқ айтиш керакки, бизда қўшиб ёзишлар балки бўлгандир, аммо-лекин марказ айюҳаннос билан жар солгани даражасида эмас. Ваҳоланки, йи-




рик олим Отто Лацис ҳали биринчи беш йиллик замонларидаёқ, СССР да қўшиб ёзишлар бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотларни келтирган. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Илом Каримов таъкидлаганидек — «Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги «Пахта иши» — «Ўзбеклар иши» деб

аталмиш туҳматлар тўқиб чиқарилган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожиали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди. Бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юз минглаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан маънавий қатағон уюштирилган эди.

Марказ Ўзбекистонга «монокультура», яъни пахта яккаҳокимлигини зўрма-зўраки ўтказиб келди. Бу ўзбек халқининг моддий аҳволини жуда ҳам аянчли ҳолатга келтириб қўйди. Маълумки, монокультура сиёсати фақат мус-тамлака ўлкаларда ёхуд метрополия мамлакатларида мавжуд бўлган. Демак, Ўзбекистон ҳам 70-80-йилларда қарийб мустамлака бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Кейинги икки йил ичида матбуот Ш.Рашидов ҳақида бир неча мақолалар эълон қилди. Уша мақолалардаги аксарият қарашларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Лекин айримларида бир ёқдамалик бор. Маълумки, тарихнинг ҳар қандай бурилиш паллаларида ҳамиша босиқлик, вазминлик, холислик ва масъулият зарур. 60-80-йилларда содир бўлган барча воқеаларни айрим шахсларнинг айби билан бўлган эди дейиш адолатдан эмас.

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда худди шу йўналишдан келиб чиқиб, ёндашиш лозим. Тўғри, ўша даврда ҳўжакўрсинчилик ва рапортбозлик, дабдаба ва кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик ва фитна ҳам авж олган эди. Лекин Ш. Рашидов барча салбий воқеа-



ларнинг асосчиси эмасди. Айримлар бугун ҳам қоралаётган иллатлар фақат Рашидовгагина хос бўлмаганлигини англашимиз керак.

Минг километрлаб чўзилиб кетган империянинг мустаҳкам занжири ичида ҳаракат қилиш, яшаш, яшаганда ҳам фақат ўзи учун эмас, балки Ўзбекистон учун яшашни бир тасаввур қилиб кўринг. Ўша замонда Ш.Рашидов ўрнида бўлган раҳбар шахс ҳақиқатан ҳам марказ кўрсатмасидан бутунлай четга чиқиб иш қила олмасди. Юртни севган инсоннинг энг юксак иши Ш.Рашидов қилган амалий ҳолатни такрорлаш бўлиши мумкин эди, холос. Ўша замонда «халқлар дўстлиги» деб аталган бир пўлат зирҳли зулматдан чиқиш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди.

Демак, шундай экан, яхши ниятлар билан ўз халқига жон фидо қилган, ўзи емаса ҳам халқимга бўлсин, деган Шароф Рашидовдек ажойиб инсонни нима учун эъзозламаслигимиз керак? У халқ билан бирга эди, халқнинг қалбида абадий яшайди.

Шароф Рашидов 70 йилдан камроқ умр кўрган Шўро давлатининг арбобларидан, раҳбарларидан бири эди. У халқаро майдонда ҳам унумли сиёсий фаолият кўрсатди. Негадир бизнинг матбуот бу ҳақда ҳеч нарса ёритмайди. Ваҳоланки, Ш.Рашидовнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолияти ҳақида йирик китоб ёзса ҳам бўлади.

У ҳали Ўзбекистан ССР Олий Совети Президиумининг раиси бўлган 30-йилларнинг

ўрталаридаёк, Ҳиндистонга ва Индонезияга сафар қилди. Тарихга «Кариб танглиги» номи билан кирган муаммонинг бартараф этилишида ҳам Ш. Рашидовнинг хизмати бор. 1962 йил май ойида Куба теварагидаги муаммонинг кўриб чиқилишида Н. Хурушев, Ф. Козлов, А. Микоян, Р. Малиновский, А. Громико, С. Бирюзов билан бирга Шароф Рашидов ҳам қатнашган. Уша йили май ўрталарида эса Ш. Рашидов, маршал С. Бирюзов ва А. Алексеевдан иборат делегация Гаванада Куба раҳбарлари билан музокара олиб борди.

1966 йил январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ҳиндистон-Покистон музокаралари ҳақида матбуот етарли ёзди. Аммо Тошкентдаги учрашувни ташкил қилишда, уни ўтказишда Шароф Рашидовнинг беқиёс ёрдами бўлганлиги ҳақида жуда кам тилга олинади. Ваҳоланки, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги можарони тўхтатиш бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясининг тайёрланишида Рашидовнинг хизмати каттадир. У араб давлатларига, Ҳинди-хитойга, Европадаги қатор мамлакатларга қилган сафарларида делегацияга бош бўлди ва баъзида расмий делегация таркибига кирди. 1980 йилнинг апрель ойида Буюк Британия мустамлакасидан озод бўлган Жанубий Родезия, ҳозирги Зимбабве давлатига сафар қилди. Ушанда Ш. Рашидов делегацияга раҳбар бўлиб, Зимбабвенинг миллий мустақиллиги тикланган кунларида қатнашди.

Жанубий қўшнимиз Афғонистон билан му-

носабатларда Шароф Рашидов алоҳида ўрин тутади. Чунки, бу киши Афғонистонга қўшин олиб киришга бош бўлган Брежнев, Андропов, Устинов ва Громикодан тубдан фарқ қилар эди. Ш. Рашидов афғон элида доимо осойишталик, барқарорлик ва тинчлик бўлишини истаган, мустақил Афғонистон ягона давлат бўлиб қолишини, бу мусулмонлар ўлкаси билан қондош ва жондош бўлган ўзбеклар аҳил, биродар яшашини, ҳамкорлигимиз равнақини орзу қилган эди. Шароф Рашидов Амударё устига қурилган темирйўл кўпригининг очилишида қатнашиб, Термиз-Ҳайратон йўли икки қардош халқнинг ўзаро дўстлигига, иқтисодий алоқаларига хизмат қилишини айтган эди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўсини мустаҳкамлаш жуда зарур. Бизда Шароф Рашидов фаолиятига муносабатнинг ижобий томонга ўзгараётганлиги яхши, аммо собиқ марказга қарашли оммавий-ахборот воситалари эскича қарашдан воз кечгани йўқ. У ерда ҳамон «рашидовчилик» ибораси бемалол ишлатилмоқда. Собиқ марказ матбуоти Рашидов даврида бутун иттифок пахта билан таъминланганлигини эслаб турса ёмон бўлмас эди. Рашидов бошқарган йилларда тайёрланган пахтани тўплаб, вагонларга ортилса, ердан то ойга қадар етадиган эшелон зарур бўлади. Бунинг сира муболага жойи йўқ.

Таниқли адиб Чингиз Айтматов, қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг Қадим Русга

кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин» деганида минг бор ҳақ эди. Шундай қадимий ўлкамиз собиқ иттифоқни хом ашё билан таъминлади, кийинтирди, боқди. Оқибатда эса «ўғри», «порахўр» ва «боқиманда» каби тамғалар қўйилди.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов жуда иборали айтганидек:

*Муаззам Сайхуну, Жайхун
Лабида ташна лаб қолдим,
Кийинтирдим жаҳонни
Жисми урён, бекафан бўлдим.*

Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан барча тан олган ҳурматга лойиқ.

У битмас-туганмас ақл бовар қилмас меҳнатсеварлиги, ҳунарда моҳирлиги ва ажойиб тарзда сақланиб қолган ноёб анъаналари билан шундай ҳурматга эришди. Зеро, шундай экан, буюк ўзбек халқининг тоза чеҳрасига ҳеч нарсa доғ соломмайди.

Ш. Рашидов ўзбек халқининг фарзандидир. Унинг юзидан доимо нур ёғилиб турар эди, одамохун, оғир, босиқ, мулоҳазали инсон эди. Баланд бўйлиги, салобатлилиги раҳбарлигига қандайдир куч бериб тургандек бўларди. Раҳбар кадрларни танлашда адашмасдан, пухта ўйлаб, кейингина иш юритарди. Ш. Рашидов меҳрибон ва жонкуяр оила бошлиғи ҳам эди. У фарзандларини жамиятга манфаати тегадиган қилиб тарбиялади ва вояга етказди. Шароф





отада бўлган барча ижобий хислатлар фарзандларига ҳам ўтган эди. Улар ҳам камтар инсон бўлиб етишдилар. Болалик чоғларида анчагина азоб-уқубатларни кўрган Ш. Рашидов жуда сезгир ва хушёр эди. У эл назарига тушган йирик сиёсат арбоби, шоир ва адиб, ҳозиржавоб, иродаси мустаҳкам, қалби пок зот бўлган.

Шароф отанинг оилада ҳам ўзига хос тарбия усуллари бўлганлиги ҳақида уларнинг қизлари Сайёра Рашидова шундай ёзади:

«Оиламизда ёзилмаган, лекин қандайдир қатъий тизим бор эди. Отам бизнинг таълим-тарбиямиз ҳақида онамдан сўраб-суриштирарди. Дўстларимиз кимлиги, фанларни қандай ўзлаштиришимиз, нима китоблар ўқиётганимиз, уйга ким келиб-кетаётганигача қизиқарди. Сўнг ҳар биримиз билан кўнглимизга мос гаплашарди. Албатта талабчан эди, бироқ жазолашга шошилмасди. Дейлик, фарзандларига бир нарсани қатъий буюрмас, балки таклиф сифатида айтарди. Фикрлашга ундарди. Биз уни бажонидил қўллаб-қувватлардик. Отам биздан хурсанд бўлиши, гурурланиши учун барчасига тайёр эдик».

Лекин ҳар бир инсонда ҳам камчилик бўлади. 25 йиллик давр мобайнида бирон-бир раҳбарнинг мутлақо хатосиз ишлаши қийин.

Умуман олганда, собиқ тузум ҳар қандай раҳ-

барни довдиратиб кўяр эди. Ш. Рашидов каби раҳбарлар ўзларини бу лавозимга тайинлаган империявий структуралар хизматига бўйсунардилар. Агар бунини тушунмасак халқимизнинг манфаатларини ҳимоя этадиган бошқарув структуралари фақат демократик механизмлар ёрдамидагина шакллана олиши мумкин эканлигини ҳеч қачон англаб етмаймиз. Шу сабабли империя аввал кўкларга кўтариб, ордену мукофотларга кўмиб ташланган, вафотидан кейин атайлаб порахўр ва ёмонотлиққа чиқарилган Рашидов шахсини тўғри ва оқилона баҳолашга интизмас эканмиз, халқимизни манқуртлик ботқоғидан чиқара олмаймиз. Сталин давридаги қатағонларда фақат Сталинни айблаш, Горбачев давридаги хатоларда фақат Горбачевни айблаш, Рашидов давридаги хатоларда фақат Рашидовни айблаш коммунистик



бошқарувнинг энг синалган усулларида биридир. Рашидовни доно, зукко ишбилармон, кадрларни танлай билиш қобилиятига эга бўлган жуда зийрак инсон эди, дедик. Аммо бу хислатларнинг ҳаммаси марказ кўрсатмаларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бундан воз кечган раҳбар эса тезда амалидан бўшатилар эди.

Шароф Рашидов ўта камтар инсон эди. У лаганбардорларни, майший нопок одамларни ёқтирмаган. Ш. Рашидов юксак маданиятли киши бўлиб, у қачон ва қайси лавозимда ишлаган, барчага ширинсўз, кишининг кўнглини топиб гапирган. У оқибатли, кадр-қимматни биладиган, яхшилиқни ҳеч қачон унутмайдиган ҳақиқий инсон эди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг энг кекса, тажрибали ҳужжатли кино усталаридан бўлган Малик Қаюмов Шароф Рашидов ҳақидаги хотираларида шундай ёзади:

«Мен Рашидов билан 1941 йил июнида Самарқандда танишганман. Кейинчалик Шароф Рашидов Ёзувчилар Союзининг котиби, ўттиз уч ёшида Республика Олий Кенгаши Президиумининг Раиси бўлди. Биз 1959 йилда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентдаги конференцияси даврида том маънода дўстлашиб қолдик. Бир куни Шароф Рашидович (ўшанда у Марказий Кўмитанинг биринчи котиби этиб тайинланганди) менинг «Ўзбекистонимизга келинг» картинамини Венециядаги фестивалга юборишганини маълум қилди (бу ҳақда унга Москвадан хабар қилишганди).

Мен у кишига бу воқеадан хабарим борлигини, фильм олтин медалга сазовор бўлганини айтдим. Рашидов фильмни ҳали кўриб улгурмаганини тан олиб, уни дала ҳовлида биргаликда кўришга таклиф қилди. Шундан буён Шароф Рашидович мени уйига тез-тез таклиф қилиб турадиган бўлди. У ерда кичкинагина шийпонча бўлиб, одатда биз ўша ерда ўтирардик. Столни ҳар доим у кишининг рафиқалари Хурсана Гафуровна тузардилар, чунки бу ерда ҳеч қандай оила ишига қарашадиган хизматчилар йўқ эди. Узоқ ўтириб кўп нарсалар ҳақида гаплашардик: одамлар, ижод хусусида, кино муаммолари-ю, Самарқанд обидаларини қайта таъмирлаш ҳақида. Бир куни унинг дастлабки Қаҳрамонлик юлдузи олганини нишонлагандик. У мени Шеварнадзе юборган аллақандай ажойиб вино билан меҳмон қилган. Ўзи эса уни лабига текказиб қўйган, холос,



у на ичарди ва на чекарди. У киши овқатни ҳам жуда кам ерди. Одатда икки бўлак нон билан озгина суюқ овқат, олма ва чой билан чекланарди. Мен «Олтин Бенгалия» фильми-ни суратга олиш учун Бангладешда ярим йил бўлдим. Бангладеш бош министри Мажибур Раҳмон билан бўлган интервьюда у Рашидов ҳақида шундай деган эди: «Шароф нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Осиё халқининг вакили. Шахсан мен Осиё халқларининг бундай ўғли борлигидан фахрланаман». Айнан шу фикрни мен фильмга киритганман. Рашидов фильмини кўраётганда эса шу ерини кесиб ташлашни талаб қилганди. Шароф Рашидович ниҳоятда камтарин, унинг ҳузурига киришганда, албатта столидан туриб, кабинетнинг ўртасида одамларни кутиб оларди. У ниҳоятда чуқур ички, маънавий маданият эгаси бўлган. Зиёлилик қон-қонига сингиб кетганди. Лекин ҳеч қачон ўзининг ўрни ёки обрўсини рўқач қилмасди. Ваҳоланки, обрў-эътибор жуда юқори эди. Бир куни Мурунтогдаги олтин қуймаларини кўздан кечириётганимизда: «Шу олтиннинг ҳеч бўлмаса бир фоизини республикага беришганда эди...» деган сўзларини сира эсимдан чиқармайман.

Шароф Рашидов вафотидан озроқ вақт ўтгач, унинг асарларига нисбатан шубҳа пайдо бўла бошлади. Айниқса, 1987 йил, яъни Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 80 йиллиги кунларида Ш. Рашидовга нисбатан шу қадар уйдирма

гаплар айтилдики, гуё собиқ раҳбар асарларини ўзи ёзмаган, бировлар ёзиб берган экан, унинг асар ёзишга вақти бўлмаган эди, каби тахминлар, қарашлар айтилди. Бу воқеалар бир томондан Ш. Рашидов қабрининг кўчирилиши даврига ҳамда юқори раҳбар доираларнинг гоҳ Москвадан, гоҳ Тошкентдан туриб марҳум давлат бошлиғи руҳи билан жанг қилаётган кунларига тўғри келди. Абдулла Қаҳҳордек



буюк адиб ҳеч қандай ҳимояга муҳтож эмасди. Лекин айримлар Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарини бу йирик ёзувчи билан қарама-қарши қўйишга муваффақ бўлдилар. Бунга жуда усталик билан эришилди. Ёшлар ишга солинди, матбуотда турли мақолалар чиқарилиб, жамоатчиликда ҳақиқатан ҳам Ш. Рашидов А. Қаҳҳор-

ни таъқиб этган, кун бермаган, асарларининг нашр қилинишига халақит берган каби фикрлар айтилди.

Уйдирмалар шу даражада кучайдики, Грузия ҳукумати бу юртда қайси ўзбек адибининг ҳайкалини очиш керак, деб Ш.Рашидовга муурожаат қилганида, гуё жамоатчилик газабидан кўрқибгина Абдулла Қаҳҳор номини кўрсатганлиги ҳақидаги тахминий маълумотлар ҳам эълон қилинди. Бу фикр нақадар тўғри ёки тўғри эмаслигини халқнинг ўзи яхши англаб олади.

Шароф Рашидов кейинги асарларини бир йўла ўзбек ва рус тилларида Москва ва Тошкентда нашр эттирди. Акс ҳолда «мансабини суъиистеъмол қияпти», деган гаплар бўлиши мумкин эди. У ижодий ҳаётининг якуни ҳисобланган беш жилдлик «Танланган асарлар»ини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг махсус қарори билан «Художественная литература» нашриётида рус тилида чиқарди. Кейин эса улар Тошкентда чоп этилди. Ш.Рашидов билан А.Қаҳҳор муносабатига келсак, улар ўртасидаги ҳақиқий инсоний муносабатларни ижодий муносабатларига кўчирилиши ахлоқсизликдан бошқа нарса эмас. Бундай фикр-мулоҳазаларнинг илгари сурилиши ўзбек ўғлонига лой чаплаш билан тенгдир.

Аслида бизнинг бир-биримиз билан келиша олмаслигимиз, ўзаро рақобатни кучайтиришимиз собиқ марказ ва мустақиллигимизни кўра



олмаётганлар учун жуда қулай имконият, улар хоҳлаётган воқелиқдир. Ҳали Ш. Рашидов тирик бўлган пайтдаёқ Егор Лигачев ўзбекларга шубҳа билан қараб, ўзининг шовинистик нигоҳини билдириб қўйган эди. Раҳматли Рашидов ана шу шовинистик раҳбардан жуда эҳтиёт бўлишга, унинг ўзбекларга ишонмаслиги ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида куюниб гапирар эди. Зеро, Рашидов омонатини ҳақ таолога топширганидан сўнг, Ўзбекистонда «қийратиш» бошланди. 1937 йилдаги «синов» такрорланди. Меҳнаткаш ўзбеклар ўғри, порахўр ва худбинга чиқарилди.

Халқимизни қийратиш натижасида 24 минг ҳақ ва ноҳақлар қамалди. Миллий кадрлар қувилди. Урф-одатлар топталди, динимизга, наврўзимизга ҳужум қилина бошланди. Не-не хонадонлар барбод бўлмади! Не-не покиза инсонлар бу хўрликлардан бадном бўлиб кетма-

ди! Қаттол Гдлян ва Ивановлар кимларни ма-
жақлаб ташламади! Шоир айтганидек:

*Элим деб ким куйса
Бари қамалди,
Қимки ерин суйса
Бари қамалди.*

Шароф Рашидов ўз халқи учун жуда кўплаб
яхшиликларни қилмоқчи эди. Унинг дарди,
алами, орзулари ичида кетди. Аммо у айтол-
маган, қилолмаган, юрагининг қат-қатларига
буюк армон бўлиб тош қотган орзулар, унинг
порлоқ хотираси рўё юзини кўра бошлагани-
дан қувонамиз. Чунки халқимиз ўзлигини та-
ний бошлади. Ўзбекистон катта бир уммондир,
ана шу уммон мустақиллик туфайли янада ул-
кан, янада мунаввар, мусаффо, янада мағрур
бўлиб кўринмоқда. Мустақиллик деганда Ра-
шидов руҳи ним табассум-ла кўзга ташланади.

1991 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов-
нинг халқ олдидаги узоқ йиллик хизматлари
эътиборга олиниб, унинг хотирасини абадий-
лаштириш, қадр-қимматини ўз ўрнига қўйиш
ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ўзбек халқи
хоҳиш-иродасининг тантанаси, албатта.

Маълумки, Тошкент ер ости йўлини барпо
қилишда Шароф Рашидов жонбозлик кўр-
сатган эди. Агар метродаги бирон-бир бекат-
га Шароф Рашидов номи берилса, узукка кўз
қўйгандек бўларди.

Хулоса ўрнида яна бир неча фикрни айт-
моқчи эдик. Шароф Рашидовнинг вафотидан



кейин унга тош отган ва, минг афсуски, ҳозир ҳам тош отаётган кимсалар бор. Инсон сифатида унинг пок хотирасига «рашидовчилик» деган гапни айтганлар, ўзини «миллатпарвар» дейдиган айрим хонаки олимлар ҳақиқат олдида бир оз бўлса-да, қўрқсинлар.

Қозоғистоннинг собиқ раҳбари Д. Кунаев бир йиғилишда шундай мазмундаги фикрни айтган экан: «Ҳар қанча гапинг бўлса, заҳри қотил бўлса ҳам майли, чидайман, ҳозир, кўзим тириклигида айтиб қол. Ўлганимдан кейин, анови ўзбекка ўхшаб, гўримни ковлама, орқамдан ғишт қалаб юрма!..»

Ҳа, отангга балли бовурим, қозоғим! Жуда тўғри гап. Қиёмат чўққига чиққанда ҳам суягини хўрламаган султоним, буюк ҚОЗОҒИМ! Сенга-чи, сенга нима бўлди, ўзбегим? Ахир, 1941 йил Амир Темур бобонинг қабрини кав-

лаб, унинг бош чаноғини текширгани етмаганмиди?! Яхшиям, Навоий, Бобур, Амир Олимхон хоки Афғонистонда. Акс холда...

Биз Шароф Рашидовни ўзбек халқининг оташин фарзанди деб биламиз. У шоир ва адиб, сиёсат ва давлат арбоби эди. Шароф ота сизу бизни деб ўзини ўтдан чўққа уриб, бу ёруғ дунёдан кўз юмди. Бугунги кунда фосиқларнинг ярим ёлғон, ярим чин фисқ-фужурини эслаб, тоза дилларни хуфтон қилгандан кўра, биз асраб қола олмаган ўша олижаноб одамнинг хотирасини бир дақиқа ёдга олган юз чандон ортиқроқдир.

Шароф Рашидов ҳақидаги ўйларимиз, фикрларимиз жуда кўп. У ҳақида олам-олам нарсалар яратгимиз келади, ёзмоқ истаймиз нурли, иссиқ нигоҳи туширилган суратга тикилиб, беихтиёр киши хаёлга толади. Кечагина талабалик йилларимизда уни жуда яқиндан кўрган эдик. Дорилфунунимиз маданият саройида бўлган учрашувда сермазмун нутқларини эшитгандик. Шароф ота ўшанда ёшлар ҳақида, айниқса, Тошкентимизни янада обод қилиш ҳақида гапирган эдилар. Бугун эса у халқимизнинг қалбида бор. Дилларда, тилларда яшамоқда. Тошкентдек азим шаҳарнинг ҳар бир муқаддас қасрида яшамоқда.

Шароф Рашидов ҳақида нечоғлик таъсирчан сўз айтишга уринмайлик, барибир севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфдан ўтказиб айтолмаймиз. Шу боис улуг зот ҳақидаги сўзларимизни шоирнинг шеъри билан якунлаймиз:



Ҳали тупроғингиз совилай туриб
 Руҳингиз қақшатдиқ қабрингиз суриб.
 Чинатой томонга қетдингиз юриб,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Қабр учун дилдан жой топганлар бошқа,
 Қул бўлиб шоҳ қўлин ўпанлар бошқа,
 Уланнинг устидан тепганлар бошқа,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Қили бўлманг сиздан шу юрт бизга мерос,
 Ўқчилик, тўқчилик, не бўлса руй-рост.
 Энди тупроқ сизни аиласин эъзоз,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот...

Шоҳларга ҳалиша ҳушомад зомин,
 Қўзин ёғин ялаб, сотарлар номин.
 Шеърли ҳали туради, ўзбекча олин,
 Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!

Қобилбек КАРИМБЕКОВ
Баҳодир ЮСУПОВ

ШАРОФ РАШИДОВ

ХАЛҚ ҚАЛБИДА

Масъул муҳаррир:	А.Қоржовов
Муҳаррир:	О.Қанаев
Дизайнер:	Р.Ташматов
Саҳифаловчи:	Г.Курбанбаева

Босишга берилди 16.10.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Virtec Times UZ” гарнитураси.
Нашр босма табағи 2,25 Адади 3000 Буюртма №48

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
Нашриёт лицензияси: AI №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.
Email: dizayn-print@mail.ru
тел: 0371-273-19-51





*Шароф Рашидов
Ҳақиқат эл-юрт қайғуси
билан ҳаёт кечирди.
Унинг хотираси ўзбек халқи
қалбига абадий яшайди!*

ISBN 978-9943-994-82-9

